

Қуштарон ўсимлигининг қуруқ экстрактини экспериментал яллиғланишга қарши таъсири

Ф.А. Сайдалиева, Д.А Юсупова, Х.У.Алиев
Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш, Ўзбекистон Республикаси

Қуштарон ўсимлиги Ўтра Осиё республикаларида нафас йўллари касаллигида, буйрак патологиясида ва ОИС касаллигида кенг қўлланилади. Хитой ва Кореяда ўсимлик пешоб ҳайдовчи ва яллиғланишга қарши восита сифатида ишлатилади. Ишнинг мақсади: қуштарон ўсимлигининг қуруқ экстрактини экспериментал яллиғланишга қарши таъсирини ўргандик.

Усуллар: тажрибалар Ф.П. Тринус ва бошқалар (1983 й.) томонидан келтирилган асептик артрит моделларида 24 та массаси 160 – 198г. ли лаборатория каламушларида ўтказилди. Хусусан, экспериментал артрит – яллиғланиш 2% формалин ва 0,1% гистамин эритмаларидан 0,15 мл. дан орқа оёқ панжасини аппоневрози остида юбориш билан юзага чиқарилди ва 4 та гурухга 6 тадан бўлиб чиқилди. Оёқ панжаларининг хажми онкометрик усулда тажриба бошлангунча, формалин ва гистамин юборилгандан кейин тажрибани 4-чи соатигача хар 1 соатда ва тажрибани 24-чи соатида ўлчаб чиқилди. Тажрибадаги ҳайвонларга қуштарон қуруқ экстрактдан 2-4 мг/кг (чунки скрининг тажрибаларда шу дозада яхши натижа олинган) дозаларда, қиёслаш учун олинган глицирам препаратидан 50 мг/кг (глицирам адабиётлардаги маълумотга қараганда 50 мг/кг дозаларда оптимал яллиғланишга қарши таъсир этади) дозаларда оғиз орқали филологен моддалар юборишдан 30 дақиқа олдин юборилди. Назорат гурухидаги каламушларга эса мос равишда дистилланган сув юборилди.

Натижалар: қуштарон қуруқ экстракти юқори даражада яллиғланишга қарши таъсир кўрсатди. Препарат 2 мг/кг дозада тажрибани 4-чи соатида орқа оёқ панжасидаги яллиғланиш жараёнини назорат гурухига нисбатан 34,6% га, 4 мг/кг дозаларда эса – 32,9% камайтирди. Худди шундай шароитда маълум яллиғланишга қарши препарат глицирам 50 мг/кг дозада орқа оёқ панжасидаги яллиғланиш жараёнини 38,5% га камайтирди. Худди шу тажриба гистамин билан юзага чиқарилган яллиғланишда ўрганилди. Препарат 4 мг/кг дозаларда гистамин билан юзага чиқарилган яллиғланишни назорат гурухига нисбатан 34,4%, глицирам 50 мг/кг дозаларда 37,5% камайтирди.

Хулосалар: демак, қуштарон қуруқ экстракти яллиғланишга қарши таъсир этади ва бу таъсири бўйича у тиббиётда яллиғланишга қарши ишлатилаётган препарат глицирамдан қолишмайди.